

ТАСДИҚЛАНГАН
“Ўзбекэкспертиза” АЖ
акциядорларининг
2025 йил “27” июндаги
умумий йиғилиши
2/2025-УЙ-сонли қарорига
11 - илова
Кузатув кенгаши раиси
Д.А.Ваҳобов



“O’zbekekspertiza” aksiyadorlik jamiyati
янги тахрирдаги
УСТАВИ

Тошкент - 2025 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ – 370 - сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (матн давомида - Қонун), Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги ташкилотлар учун корпоратив бошқарув қоидалари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. “O‘zbekekspertiza” aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда “Жамият” деб номланади) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳузуридаги Республика хўжалик ҳисобидаги “O‘zbekekspertiza” бирлашмасини давлат тасарруфидан чиқариш натижасида ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда Жамият ушбу бирлашманинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

4. Жамиятнинг тўлиқ юридик номи:

Ўзбек тили лотин ёзувида: “O‘zbekekspertiza” aksiyadorlik jamiyati.

Ўзбек тили кирилл ёзувида: “Ўзбекэкспертиза” акциядорлик жамияти.

Рус тилида: *Акционерное общество «Узбекэкспертиза».*

Инглиз тилида: “Uzbekexpertiza” Joint - stock company.

5. Жамиятнинг қисқартирилган юридик номи:

Ўзбек тили лотин ёзувида: “O‘zbekekspertiza” AJ.

Ўзбек тили кирилл ёзувида: “Ўзбекэкспертиза” АЖ.

Рус тилида: *АО «Узбекэкспертиза».*

Инглиз тилида: “Uzbekexpertiza” JSC.

6. Жамиятнинг манзили:

- жойлашган ери: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй.

- почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Индекс: 100007.

7. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@expertiza.uz

8. Жамиятнинг расмий корпоратив веб - сайти: www.expertiza.uz

II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

9. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол - мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол - мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

10. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

11. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк

хисобварақлари очишга ҳақлидир.

12. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

13. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фукаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

14. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол - мулк билан жавобгар бўлади.

15. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ туламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

16. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

17. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

18. Агар Жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг гайриконуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, Жамиятнинг мол - мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставида бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

19. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор Жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан Жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина Жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

20. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

21. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

22. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур устав талабларига амал қилади.

III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ

ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

23. Жамият фаолиятининг асосий мақсади - Жамият акциядорлари манфаатларини кўзлаб фойда олиш ва олинган фойда асосида Жамият меҳнат жамоасининг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг иши ва хизматлари эвазига буюртмачиларнинг юқори, сифатли, мустақил экспертизага бўлган эҳтиёжларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида қондиришдан иборатдир.

24. Жамият, ўзининг фаолият мақсади ва предметида келиб чиқиб:

- Товарларнинг сифатини ва миқдорини (сонини) текшириш юзасидан товар экспертизасини ўтказиш бўйича хизматлар ва ишларни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси аккредитация маркази томонидан берилган ваколат доирасида товарларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат стандартларига ва халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан лаборатория синовларини ўтказиш ва унинг натижаси юзасидан синов баённомасини расмийлаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси аккредитация маркази томонидан берилган ваколат доирасида товарларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат стандартларига, халқаро стандартларга, шартнома шартларига мувофиқлигини тасдиқлаш юзасидан экспертизалар ўтказиш ва унинг натижалари бўйича экспертиза хулосаси, ҳамда мувофиқлик сертификати бериш;
- Товарларининг келиб чиқишини текшириш юзасидан экспертиза ўтказиш ва товарларнинг келиб чиқиши ҳақидаги сертификатларни бериш;
- Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ўзи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинаётган мол - мулкни текшириш юзасидан экспертиза ўтказиш ва натижалари бўйича сертификатлар бериш;
- Чет элдан олиб келинадиган технологик асбоб - ускуналар, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва таркибий қисмларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологик жараёнида фойдаланиладиган технологик асбоб - ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентлар тоифасига киритиш бўйича экспертиза ўтказиш ва бу тўғрисида хулоса бериш;
- Товарларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси кодлари бўйича таснифлаш ва эксперт хулосаларини бериш;
- Халқаро брендлар товарларининг айрим турларини бренд эгалари ёки уларнинг ваколатли етказиб берувчилари билан тузилган тўғридан - тўғри шартнома асосида импорт қилувчилар реестрини шакллантириш ва юритиш;
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, давлат ҳокимият органлари билан тузилган шартномалар асосида уставда кўрсатилган экспертиза хизматларини кўрсатиш (бунда, Жамият ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва (ёки) суд томонидан Қонунчиликда ўрнатилган тартибда суриштирув ва тергов жараёнларига соҳа эксперти сифатида жалб қилинган ҳолатлар мустасно);
- Товар ва хизматларни реклама қилиш хизматларини кўрсатиш;
- Импорт контрактларини мустақил экспертиза қилиш ва Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиш;
- Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- Лизинг, форфейтинг, маркетинг, факторинг, инженеринг ва бошқа операцияларни амалга ошириш;
- Молия маблағларини жалб қилиш ҳамда бериш мақсадида қарз операцияларини амалга ошириш;
- Капитал курилиш, қайта тиклаш, техник қайта жиҳозлаш ва капитал таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи бўлиш;
- Кучмас мулк ва бошқа асосий воситаларни куриш, таъмирлаш, эксплуатация қилиш, сотиб олиш ва сотиш, ижарага бериш ҳамда улар билан бошқа операцияларни амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси Қонунларида белгиланган тартибда ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

- Жамият мутахассисларини ўқитиш, қайта ўқитиш ва профессионал ўқишни ташкил этиш;

- Семинар, симпозиумлар, конгресслар мажлисларни ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш;

- Ҳомийлик ва хайрия фаолиятини олиб бориш, бунда ўтган молиявий йил учун белгиланган бизнес режа параметрларининг соф фойда кўрсаткичи бажарилган тақдирдагина, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрельдаги ПФ – 101 - сон фармонида мувофиқ, Жамиятнинг ҳомийлик ва бошқа қайтарилмайдиган ёрдамлар учун харажатлари ўтган йил соф фойдасининг 3 фоизидан ортиб кетмаслик шарти билан амалга оширилади (бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно);

- Хордик чиқариш тадбирларини ташкил қилиш;

- Молия операцияларини Ўзбекистон Республикаси Қонунларида белгиланган тартибда амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

25. Жамият, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари билан тақиқланмаган, мазкур уставда кузда тутилмаган бошқа ҳар қандай фаолиятни амалга ошириши мумкин.

26. Уставда кўрсатилган фаолият мақсадлари ва предметларини амалга ошириш учун махсус рухсатнома талаб қилинган ҳолларда, Қонунда белгиланган тартибда, Жамият бундай рухсатномага эга бўлганидан сўнг бу фаолиятни амалга оширади.

IV. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

27. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

28. Жамият устав капитали 2 589 587 880 (икки миллиард беш юз саксон тўққиз миллион беш юз саксон етти минг саккиз юз саксон) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 1 622 (бир минг олти юз йигирма икки) сўм бўлган 1 596 540 (бир миллион беш юз тўқсон олти минг беш юз қирк) дона оддий акцияларга бўлинган.

29. Давлат улуши – 81,36 фоиз, 2 106 832 020 (икки миллиард бир юз олти миллион саккиз юз ўттиз икки минг йигирма) сўм ёки 1 298 910 дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат. Бошқа юридик ва жисмоний шахслар улуши – 18,64 фоиз, 482 755 860 (тўрт юз саксон икки миллион етти юз эллик беш минг саккиз юз олтмиш) сўм ёки 297 630 дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

30. Жамиятнинг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

31. Жамиятнинг устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Жамият уставига киритиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

32. Қўшимча акциялар фақат Жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

33. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 1 622 (бир минг олти юз йигирма икки) сўм бўлган 2 000 000 (икки миллион) донга оддий акциялардан иборат.

34. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпик обуна усуллари билан жойлаштирилади.

35. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

36. Жамиятнинг устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айтилишига таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қиймати мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

37. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақиқат маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

38. Жамият томонидан қўшимча акциялар чиқарилганда Жамият акциядорлари устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда қўшимча чиқарилган акцияларни олдиндан сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар.

39. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилиги овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

40. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

41. Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

42. Жамият Қонун ҳужжатларига мувофиқ облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар чиқаришга ҳақли.

43. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига Жамият устав капиталидаги давлат улушини ошириш тўғрисидаги қарор Жамият

акциядорлари умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав капитални камайтириш

44. Жамиятнинг устав капитални акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

45. Агар устав капитални камайтириш натижасида унинг миқдори Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капитални камайтиришга ҳақли эмас.

46. Устав капитални камайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

47. Устав капитални камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА АКЦИЯЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

48. Жамият акциялари оддий, эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

49. Жамият акцияларига бўлган ҳуқуқлар ушбу акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

50. Акциянинг ҳақи тўлиқ тўлангунга ва унинг янги эгаси акциядорлар реестрида рўйхатга олингунга қадар акция овоз ҳуқуқини бермайди.

51. Жамиятнинг акциялари уларнинг ҳақи тўлиқ тўланганидан кейин унинг эгасига берилади.

52. Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

53. Дивидендлар Жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

54. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

55. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа Қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

56. Жамият молиявий йилнинг ҳар чорагида, ҳар ярим йилда, тўккиз ойда ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга (эълон қилишга) ҳақлидир.

57. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендларни тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендларни тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши керак.

Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганлиги ва бошқа муҳим ахборот ҳақидаги хабар ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 15 кун ичида жўнатилганлиги фактини ва қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарномани қайд қилган ҳолда, акциядорлар эътиборига мобиль телефонга қисқа хабарлар (SMS-хабарлар) ва (ёки) электрон почта (акциядорлар реестрида мобиль телефон рақами ва электрон почта манзили мавжуд бўлганда) орқали етказилади.

58. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Дивидендларни тўлаш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ёки инвестиция воситачилари орқали акциядорнинг мавжуд банк ҳисобварағига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда автоматик равишда амалга оширилади. Бунда Жамият акциядордан дивидендларни тўлаш тўғрисидаги аризани талаб қилмайди.

59. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

60. Жамият:

- устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида Жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;

- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фондлари суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

61. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Жамиятнинг расмий веб - сайтида Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

62. Жамият акциядорлари:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол - мулкнинг бир қисмини олиш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия - ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- Жамият қимматли қоғозларини олишда зарар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

63. Акциядорлар Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга кам эга бўлиши мумкин.

VII. ЖАМИЯТ ЗАХИРА ФОНДИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

64. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

65. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини (агар Жамият бундай облигацияларга эга бўлса) муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

66. Жамият устав капиталининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 (беш) фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

67. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

68. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

**VIII. ЖАМИЯТНИНГ РЕСПУБЛИКА ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА КЎМАК БЕРИШ, ЖАҲОН
БОЗОРИГА ЧИҚИШДА ВА ЭКСПОРТ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШДА
АМАЛИЙ ВА МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ФОНД**

69. Жамият маблағларидан алоҳида фонд ташкил этилади.

70. Мазкур фонд Республиканинг Экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларига кўмак бериш, жаҳон бозорига чиқишда ва экспорт кўламини кенгайтиришда амалий ва моддий ёрдам бериш учун мўлжалланади.

71. Мазкур фондни шакллантиришда Жамиятнинг Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватлаш бўлими томонидан кўрсатиладиган хизматлардан тушган тушумнинг 50 (эллик) фоизидан ошмаган миқдорида ҳар ой ажратмалар ўтказади.

72. Мазкур фонд тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, Жамиятнинг Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватлаш бўлими томонидан кўрсатиладиган хизматлардан тушган тушумдан белгиланган миқдорда ажратмалардан қайта тикланади.

73. Мазкур фонддан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

IX. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ

74. Жамиятнинг бошқарув органлари:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи.

75. Жамиятнинг Консултатив органи:

- Экспертлар кенгаши.

X. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

76. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

77. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

78. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

79. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 30 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

80. Жамиятнинг ўн фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари Жамият фаолиятини текшириш учун ташқи аудит текширувини ўтказиш масаласини кўтариши мумкин.

81. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади:

- Кузатув кенгашини сайлаш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисоботни тасдиқлаш;
- Кузатув кенгаши ва ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора - тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлаш;
- Фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир Қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;
- Йиғилишда бошқа масалалар кам кўриб чиқилиши мумкин.

82. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

83. Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

84. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар кирadi:

- Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамиятнинг ижроия органини сайлаш, у билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;
- Ёлон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг устав капиталини камайитириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш;
- Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- Йил якуни бўйича Жамият томонидан бизнес - режада белгиланган асосий параметрлар бажарилган тақдирда Жамият бошқарув органларига Қонунчиликда ўрнатилган тартибда рағбатлантириш маблағлари миқдорини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, бизнес режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир Қонун ҳужжатларида

белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

- Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида ва мазкур уставда назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;

- Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- Акцияларни майдалаш ва йириклаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 8 - бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортигини ташкил этувчи мол - мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 9 - бобига асосан Жамиятнинг аффилланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги ташкилотлар учун корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, ахборот сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама - қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган туловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 - сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муқим кўрсаткичларига боғланган ҳолда белгилаш;

- Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;

- Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамият номидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Аудиторлик текширувини, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятда самарали ички назорат механизмининг ташкиллаштириш мақсадида “Ички назорат сиёсати тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш;

- Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги ташкилотлар учун корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш бўйича хулосаларни тасдиқлаш;

- Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги ташкилотлар учун корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этилмаганлиги учун жавобгарлик белгилаш;

- Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

85. Акциядорларнинг умумий йиғилиши мажлислари Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

86. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми - шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига ёки идентификацияловчи ID - картасига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

87. Жамият ўз акциядорларининг акциядорларнинг умумий йиғилишида электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда) овоз бериши ёки умумий йиғилишни видеоконференц - алоқа тарзида ўтказиши учун барча керакли шарт - шароитларни таъминлаб беради.

88. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб - сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб - сайтида ҳам жойлаштирилади.

89. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

90. Жамиятнинг миноритар акциядорлари ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

91. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

92. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

XI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

93. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

94. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги Қонунчилик ва мазкур устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 (беш) киши миқдорида сайланади.

Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги ташкилотлар учун корпоратив бошқарув қоидаларида ақс этирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган Кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 20 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси - мустақил аъзо ҳисобланади ҳамда у жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

95. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамиятнинг бизнес - режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора - тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Қонунчиликда назарда тутилган баъзи ҳоллар мустасно;

- Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Мол - мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масаласини маъқуллаш ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритиш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласини маъқуллаш ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритиш;

- Жамиятнинг ижроия органининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Жамиятнинг раҳбар лавозимларига ўтказиладиган танлов регламентини тасдиқлаш, ижро органи раҳбари лавозимга танлов эълон қилиш ва ўтказиш;

- Жамиятнинг раҳбар лавозимларига танлов ўтказилиб жамият акциядорларининг умумий йиғилишида тасдиқлангунга қадар Жамият ижроия органи раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчисини тайинлаш;

- Жамият Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини маъқуллаш ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритиш;

- Корпоратив котибият мудирини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқуллаш;

- Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан ўрнатилган тартибда ва мақсадларда фойдаланиш;
- Шўба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклларида тузилади);
- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- Қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- Акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини Қонун ҳужжатларида тартибда белгилаш;
- Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш;
- Қонунда назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- Жамият томонидан очиқланган маълумотлар назоратини олиб боради;
- Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ташкиллаштириш, баҳолаш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотни танлов асосида танлаш;
- Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталарини, шунингдек заруриятга кура бошқа қўмиталарни ташкил қилиш;
- Жамиятни яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнини жадаллаштириш;
- Жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, корхонанинг ташки қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга муқобил маблағларни жалб этиш;
- Жамият ижро органи раҳбарига хусусийлаштириш жараёнларини, шу жумладан акцияларни оммавий жойлаштиришни (IPO) сифатли ва белгиланган муддатларда амалга оширганлиги учун алоҳида мукофот ёки амалга оширмаганлик учун жавобгарлик чоралари белгилаш;
- Жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кучмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталдаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятдан ташқари қўшимча фаолият билан

шугулланиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

- Жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кўриб чиқиш;

- Жамиятни яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнини жадаллаштириш;

- Жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, корхонанинг ташқи қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга муқобил маблағларни жалб этиш;

- Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига амалдаги Қонун ҳужжатлари ва Жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

96. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

97. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

98. Жамият ижроия органи кузатув кенгашига сайланиши ёки тайинланиши мумкин эмас.

99. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

100. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

101. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

102. Жамият кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажариб туради.

103. Жамият кузатув кенгашининг қарори унинг аъзоларининг камида 75 (етмиш беш) фоизи иштирок этганида Қонуний ҳисобланади.

104. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади. Жамият кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари кузатув кенгаш раисининг ташаббуси билан ёки қуйидагилар талабига кура чақирилади:

- Кузатув кенгаш аъзоларининг;
- Жамият ижроия органининг;

- Ички аудит хизмати бошлигининг талабига кура ва амалдаги Қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

105. Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

106. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

107. Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

108. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва у мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади.

109. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

110. Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамият манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

111. Жамият кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун амалдаги Қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

112. Жамият кузатув кенгаши ўз ишини амалдаги Қонунчилик, ушбу устав ва акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган “Жамият Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низом асосида амалга оширади.

XII. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

113. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи Жамият бош директори (кейинчалик матнда - “Бош директор”) томонидан амалга оширилади.

114. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра бош директорнинг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкин. Тузиладиган шартноманинг шартлари, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

115. Бош директор Жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги, Жамият устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

116. Бош директор акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

117. Бош директор Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тайинланади ва у билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият кузатув кенгаши раиси имзолайди. Жамият бош директорини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

118. Бош директорга тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 - сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда шартномада белгиланади. Бунда, меҳнатга ҳақ тулашнинг ягона рағбатлантириш сиёсати асосида ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлари миқдори Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

119. Жамият ходимлари мазкур уставга ва амалдаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ бош директор билан меҳнат шартномаси тузадилар.

120. Бош директор ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

121. Жамият бош директорининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Амалдаги Қонунчилик, мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши билан тасдиқланган “Ижроия органи тўғрисида”ги низом билан берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Жамият буюртмачилари билан шартномалар ва битимлар тузиш;
- Штатларни белгилаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, ва меҳнат Қонунчилигига биноан иш берувчининг ҳуқуқларини эгаллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йуриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамият номидан амалдаги Қонунчиликка асосан ишончномалар бериш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;
- Ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг ваколатига киритилган масалалардан ташқари;
- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
 - Жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес - режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
 - Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес - режалари ишлаб чиқишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
 - Жамиятнинг фаолиятида Қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;
 - Амалдаги Қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, шу жумладан эълон қилиш мақсадида молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;
 - Йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
 - Жамиятнинг молия - ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки Жамиятнинг аудиторлик ташкилоти талабига кўра тақдим этиш;
 - Давлат статистика ҳисоботи тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
 - Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият бош директори томонидан белгиланади;
 - Хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
 - Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;
 - Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларини ва улар меҳнатининг муҳофаза қилинишини таъминлаш;
 - Ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Жамият кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;
 - Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
 - Жамият ва унинг ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилик ва бошқа Қонун ости ҳужжатлари, шунингдек Жамиятнинг локал ҳужжатларига риоя этилишини таъминланиш.
122. Жамият бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.
123. Жамият бош директори Жамиятнинг обрў - эътиборини сақлашда ва уни янада кўтаришда керакли чора тадбирларни куради.

124. Жамият бош директори Қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

125. Жамият бош директори Жамият устави ва “Жамият ижроия органи тўғрисида”ги низом асосида иш олиб боради.

ХIII. ЖАМИЯТНИНГ КОНСУЛТАТИВ ОРГАНИ БЎЛГАН ЭКСПЕРТ КЕНГАШИНING ФАОЛИЯТИ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

126. Тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини самарали ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш мақсадида, ваколатли ва тажрибали мутахассислардан иборат Эксперт кенгаши тузилади.

127. Эксперт кенгаши ички ва ташқи бозорларда юзага келаётган вазиятдан келиб чиқиб, республикада импортни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, божхона тўловлари бўйича амалдаги имтиёзлар тизимига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

128. Эксперт кенгаши аъзоларининг самарали фаолияти натижаларига қараб тегишли Низомга мувофиқ ҳақ ва (ёки) компенсациялар тўланиши мумкин.

XIV. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Ички аудит хизмати

129. Жамият активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 000 (бир юз минг) баробаридан ошган тақдирда, ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

130. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан Қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб - таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан Қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари фаолиятини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

131. Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

132. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

XV. ЖАМИЯТНИНГ ШУЎБА ХУЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА ФИЛИАЛЛАРИ

133. Жамиятнинг қуйидаги шўба хўжалик жамиятлари мавжуд:

№	Номланиши	Манзили
1	“O‘zbekekspertiza” акциядорлик жамияти “Andijonekspertiza” масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўба хўжалик жамияти	170100, Андижон вил., Андижон ш., Юксалиш кўчаси., 31 уй.

2	“O‘zbekekspertiza” акциядорлик жамияти “Buxoroekspertiza” масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба хўжалик жамияти	200100, Бухоро вил., Бухоро ш., Х.Таниш Бухорий кўч., 28 уй.
3	“O‘zbekekspertiza” aksiyadorlik jamiyati “Farg‘onaekspertiza” mas‘uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi sho‘ba xo‘jalik jamiyati	150100, Фарғона вил., Фарғона ш., Мустақиллик кўч., 32 уй.
4	“O‘zbekekspertiza” акциядорлик жамияти “Jizzaxekspertiza” масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба хўжалик жамияти	130100, Жиззах вил., Жиззах ш., Зомин кўч., 88-а уй.
5	“O‘zbekekspertiza” акциядорлик жамияти “Navoiyekspertiza” масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба хўжалик жамияти	210100, Навоий вил., Навоий ш., Ломоносов кўч., 14-уй, 1 хонадон.
6	“O‘zbekekspertiza” акциядорлик жамияти “Namanganekspertiza” масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба хўжалик жамияти	160103, Наманган вил., Наманган ш., Ю.Ражабий кўч., 1-уй
7	“O‘zbekekspertiza” акциядорлик жамияти “Qoraqalpoeqekspertiza” масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба хўжалик жамияти	230106, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус ш., Турткул гузари кўчаси, 20 уй.
8	“O‘zbekekspertiza” акциядорлик жамияти “Qashqadaryoeqekspertiza” масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба хўжалик жамияти	180100, Қашқадарё вил., Қарши ш., Шўртан МСГ, мр-н 7, 7 уй, 1Н хонадон
9	“O‘zbekekspertiza” акциядорлик жамияти “Samarqandekspertiza” масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба хўжалик жамияти	140160, Самарқанд вил., Самарқанд ш., Али Кушчи кўч., 15 “б” уй.
10	“O‘zbekekspertiza” акциядорлик жамияти “Sirdaryoeqekspertiza” mas‘uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi sho‘ba xo‘jalik jamiyati	120103, Сирдарё вил., Гулистон ш., Ислом Каримов кўч., 77 уй.
11	“O‘zbekekspertiza” акциядорлик жамияти “Surhandaryoeqekspertiza” масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба хўжалик жамияти	190104, Сурхондарё вил., Термиз ш., Нодири кўч., 4-уй.
12	“O‘zbekekspertiza” акциядорлик жамияти “Xorazmekspertiza” масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба хўжалик жамияти	220100, Хоразм вил. Урганч ш., К. Атаниязов кўч., 61 уй, 1 хонадон.

134. Жамиятнинг қуйидаги филиаллари мавжуд:

№	Номланиши	Манзили
1.	“O‘zbekekspertiza” aksiyadorlik jamiyati “Aeroport” filiali	100167, Тошкент ш., Сергели тум., Қумарик кўч., 13 уй.
2.	“O‘zbekekspertiza” aksiyadorlik jamiyati “Aksiz posti” filial	702008, Тошкент шах., Олмазор тум., Чуқурсой кўч., 41/136 уй.
3.	“O‘zbekekspertiza” aksiyadorlik jamiyati “Nazarbek” filiali	100007, Тошкент вил., Зангиота тумани, Лойихачи кўч., 9 уй.
4.	“O‘zbekekspertiza” aksiyadorlik jamiyati “Olmaliq” filiali	110100, Тошкент вил., Олмалик шах., Фахрийлар кўч., 29 уй.
5.	“O‘zbekekspertiza” aksiyadorlik jamiyati “Sirg‘ali” filiali	100155, Тошкент ш., Сирғали тум., Хонабод кўч., 4 уй.
6.	“O‘zbekekspertiza” aksiyadorlik jamiyati “Chirchiq” filiali	111708, Тошкент вил., Чирчиқ шах., Менделеев кўч., 8 уй.
7.	“O‘zbekekspertiza” aksiyadorlik jamiyati “Angren” filiali	110200, Тошкент вил., Ангрен шах., Промзона.
8.	“O‘zbekekspertiza” aksiyadorlik jamiyati “Ark Bulq” filiali	111818, Тошкент вил., Зангиота тум., Тарик Тешар маҳалласи, “HIGHWAYLOGISTICSCENTER” МЧЖ.

XVI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

135. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги Қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

136. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

137. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Жамият кузатув кенгаши томонидан Жамият уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

138. Жамият уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, амалдаги Қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

139. Агар мазкур уставни бирон бир қондаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

140. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

141. Жамиятнинг ушбу устави давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан аввал давлат рўйхатига олинган Жамият устави ва унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Бош директор в.в.б

У.Х.Мурадов



57, 58 қоидалар
ўзгартириш киритилган
Хиродатов Т

Ташкилот
14.07.25

Яхяев Ф.О.

(Т. Усманов)

(С. Акматов)

Аббасов Ф.

Мурадов У.

**“Ўзбекэкспертиза” акциядорлик жамияти
уставига киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар бўйича
таклифлар**

Эски таҳрир	Янги таҳрир
V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА АКЦИЯЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ... 57. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. ...	V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА АКЦИЯЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ... 57. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендларни тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендларни тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши керак. Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганлиги ва бошқа муҳим ахборот ҳақидаги хабар ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 15 кун ичида жўнатилганлиги фактини ва қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарномани қайд қилган ҳолда, акциядорлар эътиборига мобиль телефонга қисқа хабарлар (SMS-хабарлар) ва (ёки) электрон почта (акциядорлар реестрида мобиль телефон рақами ва электрон почта манзили мавжуд бўлганда) орқали етказилади. ...

Эски таҳрир	Янги таҳрир
53. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.	58. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим. Дивидендларни тўлаш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ёки инвестиция воситачилари орқали акциядорнинг мавжуд банк ҳисобварағига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда автоматик равишда амалга оширилади. Бунда Жамият акциядордан дивидендларни тўлаш тўғрисидаги аризани талаб қилмайди. ... Асос: Ўзбекистон Республикасининг 17.04.2025 йилдаги ЎРҚ-1057-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига асосан асосан киритилмоқда.